

**“Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖ
ягона акциядорининг
1-сонли
ҚАРОРИ**

2019 йил 24 сентябрь

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги, ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яққа тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши кераклиги белгиланган.

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖнинг ягона акциядори - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳисобланади.

Қуи тартиби:

1. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖнинг ижро аппарати тузилмасини тасдиқлаш.
2. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖнинг қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
3. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Қуи тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юкори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сон Фармони ижроси бўйича Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 31 июлда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖ (кейинги ўринларда - Жамият)ни ташкил этиш тўғрисида 6 к-ПО-сонли буйруғи қабул қилинган.

Шунингдек, жамият (СТИР:301078448)га юридик шахс (тадбиркорлик субъектини) давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тўғрисида 653-сонли гувоҳнома берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда Агентлик Жамият билан биргаликда жамиятнинг ижро аппарати тузилмасининг лойиҳалари ишлаб чиқилди (ҳодимларнинг чекланган сони 47 киши).

Жамиятнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва малакали ходимларни ишга олиш мақсадида жамиятнинг ижро аппарати тузилмасини тасдиқлаш лозим.

Қун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356-сон қарорида хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзолигига давлат улуши бўйича устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бўйича - Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда номзодлар кўрсатиш тартиби жорий қилиниши белгиланган.

Шу муносабат билан, Агентлик томонидан Жамият кузатув кенгашларига номзодлар Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган (24.09.2019 йилдаги 24/1-1760-сонли топшириқ).

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасида жамият кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг (тафтишчисини) аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масалалари жамият акциядорлар умумий йиғилиши ваколати доирасида ҳал этилиши лозимлиги белгиланган.

Шунга кўра, Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодларни киритиш таклиф этилди:

1) Маҳкамов Отабек Муҳаммаджонович – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси;

2) Каримов Ўқтамжон Дехқонбоевич – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари;

3) Астанов Зафар Муродиллаевич – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиғи;

4) Хайдаров Бахтиёр Халимович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиги;

5) Асроров Акбар Ахрорович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги ўринбосари.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

2. Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни киритиш таклиф этилди:

1) Намазов Алишер Абдухалилович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси;

2) Тўхтасинов Ўткир Толибжон ўгли – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг етакчи мутахассиси;

3) Ибрагимов Махмуд Баҳодирович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Жамиятнинг ягона акциядори қуйидагича **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Жамиятнинг ижро аппарати тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

1.1. Жамият бошқаруви раиси в.в.б Х.Абдуллаевга жамият ижро аппарати ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг штатлар жадвалини ишлаб чиқиш, шунингдек, жамиятнинг штатлар жадвалини малакали мутахассислар билан тўлдириш топширилсин.

2. Жамиятнинг янги таркибидаги кузатув кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1) Махкамов Отабек Мухаммаджонович – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси;

2) Каримов Ўқтамжон Дехқонбоевич – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари;

3) Астанов Зафар Муродиллаевич – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиги;

4) Хайдаров Бахтиёр Халимович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиги;

5) Асроров Акбар Ахрорович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги ўринбосари.

3. Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин:


1) Намазов Алишер Абдухалилович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси;

2) Тўхтасинов Ўткир Толибжон ўгли – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг етакчи мутахассиси;

3) Ибрагимов Махмуд Баходирович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Жамият бошқаруви раиси в.в.б Х.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Давлат активларини бошқариш
агентлиги директор


С. Бекенов